

Zohidjon M. ISLAMOV,
*Professor of the International
Islamic Academy of Uzbekistan.
A.Kadiri str. 11, 100011,
Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: zohidiy@yandex.ru*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2022/4/1

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ ИЛМИЙ МАКТАБИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

FORMATION OF THE SCIENTIFIC SCHOOL OF MAHMUD ZAMAKHSHARI

ФОРМИРОВАНИЕ НАУЧНОЙ ШКОЛЫ ЗАМАХШАРИ

КИРИШ

Хоразм жаҳон фани маданиятига Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний каби дунёга машҳур кўплаб алломаларни етказиб берди. Ана шулар орасида филология соҳасида катта мавқега эга бўлган Маҳмуд Замахшарийнинг алоҳида ўрни бор. Араб тилшунослигининг ривожига араблардан ташқари бошқа халқлар олимларининг ҳиссаси катта бўлган. Мана шундай олимлардан бири хоразмлик “Араблар ва ажамлар устози”, “Хоразм фахри”, бутун ҳаётини илмга бағишлаган буюк аллома Маҳмуд Замахшарий ҳисобланади.

Аллома ҳижрий 467 йил ражаб ойининг йигирма еттинчи куни, милодий 1075 йил 18 март чоршанба куни Хоразмнинг Замахшар қишлоғида таваллуд топган. Замахшарийнинг отаси ўз даврининг илмли кишиларидан бўлиб, Қуръони каримни ёддан билган. Масжидда имомлик қилган. Онаси ҳам саводли, оқила, фозила аёллардан бўлган. Замахшарий дастлаб отаси кўмагида савод чиқаради. Сўнг Хоразмдаги мадрасада таҳсил олди. Ўз билимини янада чуқурлаштириш ниятида Бухорога келади. Чунки Бухоро ўз даврида илм-фан марказига айланган, бу ерда илм-фаннинг дунёга донг таратган вакиллари йиғилган эди. У Бухорода ўқишни тугатгач, бир неча йил хоразмшоҳлар хизматида бўлди. Шу вақтда хоразмшоҳлар давлати салжуклар салтанатига бўйсунар эди. Салжуқийлар ҳукмдори Маликшоҳ ва унинг вазири Низому-л-Мулк фан-маданият ҳомийси сифатида дунёга танилади. Бир қанча шаҳарларда мадрасалар қурдиради. Бу мадрасалар “Низомия”

номи билан юритиларди. Хоразмда етарли обрў-эътибор топмаган Замахшарий Низому-л-Мулк ҳузурига йўл олади. Шундан сўнг Муҳаммад ибн Ануштегин асос солган хоразмшоҳлар салтанати вужудга келганига қадар Бағдод, Ҳамадон, Макка сингари дунёнинг турли шаҳарларида юриб, олиму фузалолар билан танишади, суҳбатлар куради.

Муҳаммад Ануштегин вафотидан сўнг, унинг ўғли Алоуддавла Абулмузаффар Отсиз ҳам Замахшарийга катта ҳурмат-эътибор билан қарайди. Отсиз даврида ҳам Замахшарий илмий ижод билан шуғулланиди ва янги асарлар ёзди. Маккада Амир Ибн Ваққоснинг ёрдамидан илҳомланган Замахшарий Қуръони каримнинг тафсирига бағишланган “Кашшоф” асарини ёзиб тугатди. Уч йил Маккада яшаганидан сўнг Замахшарий ватани Хоразмга қайтади ва 538/1144 йилнинг Арафа кечаси Жужонияда вафот этади.

Маҳмуд Замахшарий ўз даврининг буюк олими даражасига кўтарилди. У тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, жуғрофия, тафсир, ҳадис, фикҳ ва қироат илмига оид ҳозирча аниқланган саксон олтига асар яратди. Уларнинг кўпи бизгача етиб келган. У ажам бўлатуриб, лекин араб тили грамматикасига доир муҳим, қимматли асарлари билан унинг ривожига улкан ҳисса қўшди. Араблар: “Агар шу оқсоқ бўлмаганида, араблар ўз тилларини билмас эдилар”, деб унинг араб тилшунослигидаги буюк ўрнини ҳаққоний эътироф этишади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мовароуннахрнинг улкан ҳудудида яшаган турли халқлар ушбу минтақада илм-фан ва маданият ривожига катта ҳисса қўшди. Айниқса, қорахонийлар давридаги илмий муҳит ўзининг самарадорлиги билан ажралиб туради. Маҳмуд Замахшарий кўп сонли илмий мероси билан ўзига хос илмий мактаб яратди. Мазкур илмий мактабнинг пайдо бўлишида Хоразм илмий-маънавий муҳитининг ҳам таъсири кучли бўлган. Жумладан, Маҳмуд Замахшарий ўз даврида яшаган устозларидан турли соҳалар бўйича билимларни синчковлик билан ўрганган. Асрдош буюк уламо-устозларидан олган билимларини чуқурлаштириб, янада такомиллаштирди, уларнинг илмий меросларини бойитди. Бунинг натижасида олимнинг асарлари мусулмон дунёсида тез тарқалди, ёшлик давридаёқ машҳур бўлди.

Аннотация. Хоразм қадимдан илм-фан тараққий этган минтақалардан саналган. Бу ҳудудда аниқ, табиий, ижтимоий-гуманитар фанлар, шунингдек, диний илмлар юксак тараққий этган. Турли фанларнинг ривожланиши натижасида Хоразм илмий муҳити шаклланди. Мазкур илмий муҳит соҳалар бўйича улғу олимлар етишиб чиқишига сабаб бўлган. Кучли илмий муҳитда шаклланди олимлар қомусийлик хусусиятини касб этишган.

Аллома Маҳмуд Замакшарий ҳам мазкур кучли илмий муҳитда шаклланди. У адабиётшунослик, тилишунослик, лугатишунослик, география, қуръонишунослик, тафсиришунослик, ҳадисишунослик, балогат, фасоҳат каби ўндан ортиқ фан соҳалари бўйича мукаммал асарлар яратган. Хоразм илмий муҳити ҳақидаги маълумотлар Ёқут Ҳамавийнинг “Муъжаму-л-удабо”, Қифтийнинг “Инбоҳу-р-руват ала анбоҳи-н-нуҳот”, Зайнуддин ибн Қутлубугонинг “Тоҷу-т-тароджим”, Ҳожи Халифанинг “Қашфу-з-зулун”, Зубайдийнинг “Табақату-н-наҳвийин ва-л-луғавийин”, Умар Ризо Каҳҳоланинг “Муъжаму-л-муаллифин”, Жалолуддин Суютийнинг “Бугъату-л-ву’от”, Абдулкарим Самъонийнинг “Китобу-л-ансаб” асарлари каби муътабар манбаларда жамланган. Маҳмуд Замакшарий мактабининг шаклланишида буюк тилишунос, лугатишунос Абу Музар Исфажоний, андалуслик тилишунос Абу Бакр Абдуллоҳ Ёбирий, “Луғавий” номи билан машҳур бўлган Ибн Жаволиқий Мавҳуб Абу Тоҳир, машҳур муҳаддис Абу-л-Хаттоб Носир Бухорий каби олимларнинг хизматлари катта бўлди. Замакшарий илмий анъаналарини табаристонлик Абу-л-Маҳосин Тувайлий, абивардлик Абу-л-Маҳосин Абдурахим Баззоз, измихширлик алломанинг синглисининг ўғли Абу Амр Омир Саммисор, самарқандлик Абу Саид Аҳмад, хоразмлик Абу Тоҳир ибн Абдулмалик каби кейинги давр олимлари давом эттирганлар. Улар Маҳмуд Замакшарийнинг асарларини диққат билан ўрганиб, уларга базишланган янги асарлар, шарҳлар, ҳошиялар ёзганлар. Замакшарий илмий мактаби Хоразм илм-фани ривожига катта хизмат қилган.

Калит сўзлар: Маҳмуд Замакшарий, Хоразм, илмий мактаб, илмий муҳит, тафсир, шарҳ, ҳошия, қўлёзма, манба.

Abstract. Khorezm has long been considered one of the regions where science developed. Formal, natural, and social humanitarian sciences, as well as religious sciences highly developed in this area. The scientific environment in Khorezm formed as a result of the development of various sciences. This scientific environment led to the emergence of great scholars in various fields. Scholars formed in a strong scientific environment acquired the characteristic of universalism.

Allama Mahmud Zamakhshari was raised in this scientific environment. He created excellent works in more than ten fields of science, such as literary studies, linguistics, lexicology, geography, Qur’anic studies, Tafsir studies, hadith studies, puberty, and eloquence. Information about the scientific environment of Khorezm can be found in authoritative sources such as “Mu’jam al-udaba” by Yaqut Hamawi, “Inbah ar-ruwat ala anbah an-nuhat” by Qifti, “Taj at-tarajim” by Zainuddin ibn Qutlubugha, “Kashf az-zumun” by Haji Khalifa, “Tabaqat an-Nahwiyyin” by Zubaydi, “Mu’jam al-Muallifin” by Umar Riza Kahhala, “Bugyat al-wu’at” by Jalaluddin Suyuti, and “Kitob al-ansab” by Abdulkarim Sam’ani. The great linguist, and lexicographer Abu Muzar Isfahani, Andalusian linguist Abu Bakr Abdullah Yabiri, Ibn Jawaliqi Mawhub Abu Tahir, known as “Lughawi”, and famous muhaddith Abul-Khattab Nasir Bukhari contributed to the formation of Mahmud Zamakhshari’s school. Later scholars such as Abu-l-Mahosin Tuvaili from Tabaristan, Abul-Mahasin Abdurahim Bazzaz from Abivard, Abu Amr Amir Sammisor, the son of the sister of the Allama from Izmiikhshir, Abu Said Ahmad from Samarkand, Abu Tahir ibn Abdulmalik from Khorezm continued Zamakhshari’s scientific traditions. They carefully studied the works of Mahmud Zamakhshari and wrote new works, commentaries, and references dedicated to them. Zamakhshari’s scientific school made a significant contribution to the development of Khorezm science.

Keywords: Mahmud Zamakhshari, Khorezm, scientific school, scientific environment, interpretation, commentary, super commentary, manuscript, source.

Аннотация. Хорезм с древних времён считался регионом, где развивалась наука. На этой территории получили высокое развитие точные, естественные, общественно-гуманитарные науки, а также науки, связанные с религией, в результате чего в Хорезме сформировалась собственная научная среда. Это в свою очередь привело к появлению целой плеяды великих ученых в различных областях науки. При этом, эти ученые, сформировавшиеся в сильной научной среде, приобрели свойство универсализма.

В этой сильной научной среде сформировался и учёный Махмуд Замакшари. Он создал превосходные работы в более чем десяти областях науки, таких как литературоведение, лингвистика, лексикология, география, изучение Корана, толкование Корана, изучение хадисов, риторика и красноречие. Сведения о научной среде Хорезма можно найти в таких надёжных источниках как «Муджаму-л-удабо» Якута Хамави, «Инбоҳу-р-руват ала анбоҳи-н-нуҳот» Қифти, «Таджу-т-тароджим» Зайнуддина ибн Қутлубуга, «Қашфу-з-зулун» Хаджи Халифы, «Табақату-н-наҳвийин ва-л-луғавийин» Зубайди, «Муджаму-л-муаллифин» Умара Резы Каҳҳолы, «Бугъату-л-ву’от» Джалалуддина Суюти, «Китобу-л-ансаб» Абдулкарима Самани. Великий лингвист, лексикограф Абу Музар Исфажани, андалусский лингвист Абу Бакр Абдулла Ябири, Ибн Джавалики Мавҳуб Абу Тахир, известный как «Луғави», и известный муҳаддис Абу-л-Хаттоб Носир Бухари внесли большой вклад в формирование школы Махмуда Замакшари. Научные традиции Замакшари продолжили более поздние ученые, такие как Абу-л-Махосин Тувайли из Табаристана, Абу-л-Махосин Абдурахим Баззоз из Абиварда, Абу Амр Амир Саммисор, сын сестры аллама из Измихшира, Абу Саид Ахмад из Самарканда, Абу Тахир ибн Абдулмалик из Хорезма. Они внимательно изучили произведения Махмуда Замакшари и написали по ним новые произведения, комментарии и справочники. Научная школа Замакшари внесла большой вклад в развитие Хорезмской науки.

Ключевые слова: Махмуд Замакшари, Хорезм, научная школа, научная среда, тафсир, комментарий, поля, рукопись, источник.

Абулқосим Маҳмуд Замахшарий дунё илм аҳли томонидан ҳақли равишда буюк қомусий олим сифатида эътироф этилган. Алломанинг тилшунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик, дидактика, тарих каби турли фан соҳаларига бағишланган 86 та нодир асар яратгани аниқланган. Маҳмуд Замахшарий араб тилшунослиги, унинг назарий масалалари, хусусан, морфология, синтаксис соҳасида улкан илмий янгиликлар яратди. Олим араб тилшунослигига бағишланган 30 га яқин мукамал юқори илмий савиядаги асарлар ёзди ва мусулмон дунёси олимлари томонидан “Устозу-л-араб ва-л-ажам” (Араблар ва араб бўлмаган миллатларнинг устози) деган шарафли номга сазовор бўлди.

Хоразмда қадимдан шаклланган илмий муҳит турли илм-фан соҳаларининг шаклланиши ва ривожланишига муносиб шароит яратди. Бунинг натижаси ўлароқ, мазкур ҳудуд милоддан олдинги даврлардан бошлаб илм-маданият маркази сифатида танилди. Минтақадаги илмий муҳит кўплаб мамлакатлардан йирик олимларни бу ерга кўчиб ўтишга ундади. Бунинг натижасида етарли даражадаги илмий ҳолат янада ривожланди. Шаклланган илмий мактаблар маҳаллий халқлар вакиллари орасида илм-маърифат ривожланишига олиб келди. Аллома Маҳмуд Замахшарий ҳам мана шундай юксак илмий муҳит таъсирида шакллана бошлади. Маҳмуд Замахшарий иқтидорининг шаклланишига ўз даври олимларининг таъсири кучли бўлди. У кўзга кўринган устоз-олимлардан таълим олди.

Маҳмуд Замахшарийнинг дастлабки устози Абу Музар Маҳмуд ибн Жарир Заббий Исфажоний (ваф. 507/1113) бўлган. Абу Музар Эроннинг Исфажон шаҳрида туғилган, илм талабида Хоразмга келган ва бир муддат шу ерда яшаган. У аҳоли орасида илми, гўзал ахлоқи ва айниқса, наҳв ва луғат илмларининг билимдони сифатида танилган. Маҳмуд Замахшарий ва яна бир қатор маҳаллий тилшунос олимлар ундан араб тили қоидаларини ўрганишган. Замахшарийшунос олимлар таъкидлашича, “Абу Музар Маҳмуд Замахшарийда илмга бўлган заковат, қобилиятни кўрганидан сўнг унга шогирд сифатида алоҳида эътибор қаратган, ўзи моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган” (Аҳмад Муҳаммад Хуфий, 1966:48–49).

Абу Музар Исфажоний тилшунослик ва луғатшунослик соҳаларида кучли билимга эга бўлган олимлардан саналган. Маҳмуд Замахшарий айнан мана шу икки соҳа бўйича Абу

Музардан таълим олган. Олимнинг араб тилига бўлган кучли муҳаббати унинг ўз устозидан ҳам илгарилаб кетишига олиб келди. Бунинг натижасида Замахшарий араб тилшунослигини янги юксак босқичга олиб чиқди. Тилшунослик соҳасидаги бу юксалиш замондош ва кейинги давр олимлари томонидан асосли эътироф этилган. Жумладан, машҳур олим Мустафо Жувайний Маҳмуд Замахшарийнинг илмий салоҳиятига юксак баҳо беради ва “Маҳмуд Замахшарий ўз устози Абу Музардан наҳв ва луғат илмларини жуда мукамал ўрганди. Бунинг натижасида у устозидан ўзиб кетди ва устозида бўлмаган янгича қараш ва ўзгача услубни яратди, устозининг илмий руҳиятидан олганларини ривожлантирди ва янги бир босқичга кўтарди”, деб таъкидлайди.

Абу Музар кенг қамровли билим эгаси бўлган, лекин ўзи мустақил асар яратмаган ва манбаларда унинг бирор асари ҳақида маълумот учрамайди. Манбашунос олим Ёқут Ҳамавий ўзининг “Муъжаму-л-удабо” асарида Исфажоний ҳақида маълумот келтиради ва: “Унинг даражаси юксак, номи кенг тарқалган бўлса-да, асар ёзиб қолдирганини билмайман. Фақатгина ҳикоя, шеърлари киритилган “Зоду-р-рокиб” деб номланган кичик рисоласи мавжуд”, деб ёзади (Ёқут Ҳамавий, 1357/1938:124).

Маҳмуд Замахшарий устозини жуда севган ва ҳурмат қилган, унга вафодор бўлган ҳамда фазилатларини эътироф этган. Замахшарий устози Абу Музарни хотирлаб, унга бағишланган мактов ва олқишларни ўзининг қасидаларида келтиради. Олим устозига бағишланган олтимиш бир байтдан иборат қасидани девонига киритган. Мазкур қасида қуйидаги хотима билан тугайди:

“У ҳақиқатан ўз асрининг яғонаси, Кўзлар ундан кейин унга ўхшашни кўрмади...”.

Маҳмуд Замахшарийга замондош олимлар луғат, наҳв илмларида ўз замонасининг яғонаси бўлган деб, жуда юксак баҳо берганлар (Жалолдин Суютий, 2009:276). Замахшарий Фарбий Андалуснинг Ёбира шаҳри аҳлидан бўлган Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Талҳа ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ёбирийдан (ваф. 518/1124) ҳам таълим олган. Абдуллоҳ Ёбирий фикҳ, ҳадис, тафсири, наҳв илмларини мукамал эгаллаган ва йирик асарлар ёзган. Сибавайҳнинг араб тилшунослиги нодир манбаси бўлган “Китоб” асарини мукамал ўрганган йирик таниқли тилшунослардан эди. У зот ислом дунёсининг йирик марказларига сафари даврида, жумладан Ишбилия ва бошқа шаҳарларда катта жамоаларга мазкур манбадан сабоқ

беради. Манбаларда таъкидланишича, айнан мана шу сабабли Маҳмуд Замахшарий “*Китоб*” асаридан дарс олиш учун Хоразмдан Андалусга боради ва унга шогирд тушиб манбани тўлиқ ўзлаштиради (Ал-Мукрий, 1358–1361:76–77).

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ғозий ўзининг “*Рисалату-л-ишароти-л-Ҳассон*” номли китобида “Устозим Абу Абдуллоҳ Кабир шайх Маҳмуд оқсоқ Замахшарийнинг қўлида “*Китоб*” асарини ўқиш бахтига муяссар бўлганлигини устозимнинг ўзидан эшитганман. Унинг кўплаб китоблари бор. Тафсир илмига оид катта ҳажмдаги асари, шунингдек, фикҳ ва унинг усули, Ибн Ҳазмга раддияси мавжуд” (Ал-Мукрий, 1358–1361:77), деган маълумотни келтиради. Демак, Маҳмуд Замахшарий араб тилига бўлган муҳаббати туфайли ўзигача араб тили грамматикаси бўйича асосий илмий манба ҳисобланган Сибавайҳнинг “*Китоб*” асарини йирик тилшунослардан мукамал эгаллаган.

Ўрта асрлар адаб, луғат ва наҳв илмларини пухта эгаллагани билан шуҳрат қозонган олимлардан яна бири Ибн Жаволиқий Мавҳуб ибн Аҳмад ибн Хазр ибн Муҳаммад Абу Мансур ибн Абу Тоҳир Луғавий (ваф. 539/1144) саналар эди. Олим ислом дунёсида араб тилшунослиги бўйича билимлари билан кенг танилган. У аҳли сунна вал жамоанинг олими, фазилатли, ишончли бўлиб, ҳусни хат эгаси эди. Шунингдек, у Абул Қосим ибн Бусрий ва Абу Тоҳир ибн Абу Абсоқардан ҳадис илмини ўрганган, Киндий ва Ибн Жавзийларга устозлик қилган (Ибн Халликон, 1367/1947:342). Ибн Жаволиқий Низомия мадрасасида адаб илмини ўқиган. Диний илмлари мукамаллиги, тавозели, саволларга узоқ ўйлаб тадқиқ қилганидан сўнг жавоб берадиган олим ва қози сифатида халқ орасида кенг танилган эди. Абул Яман Киндийнинг маълумотига кўра, Маҳмуд Замахшарий 533/1138 йил Бағдодга келган ва Абу Мансур Жаволиқийдан луғат, наҳв китоблари бўйича ижоза олган. Шу сабабли Маҳмуд Замахшарий ўзининг йирик асарларини Бағдодда ёзган. Ибн Жаволиқий “Шарҳу адаби-л-катиб”, “Ма талаҳҳана фиҳи-л-омма”, “Муъраб”, “Татиммату дурроти-л-ғовас” каби асарларни ёзган ва “Бағдод фаҳри” номи билан танилган (Ал-Қифтий, 1950–1955:335).

Маҳмуд Замахшарий Хоразм илмий муҳитининг йирик вакиллари билан илм ўрганди. Жумладан, Хоразм аҳлининг адиби, шоир Абу Али Ҳасан ибн Музаффар Найсобурийдан адаб илмининг сирасорларини (Жалолуддин Суютий, 2009), Абу Саъд Шаққоний, Абу-л-Хаттоб Носир ибн Аҳмад

Абдуллоҳ ибн Баттор, Абу Таммом Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ, Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ Шерозий, Ибн Анбусий Шофеий, Ибн Самин Бағдодий каби олимлардан ҳадис илми асосларини ўрганади. Илм олиш ва ўрганишдан толмаган Маҳмуд Замахшарий бир вақтнинг ўзида олимлардан илм олган, ҳам уларга бошқа илмлардан сабоқ берган. Жумладан, Ёқут Ҳамавий ўзининг “Муъжамул-удабо” асарида Маҳмуд Замахшарийнинг “Шайхул ислом” номи билан машҳур бўлган Абу Мансур Ҳорисийдан илм олганини ёзади (Ёқут Ҳамавий, 1930–1933:127). Тошкўпризода: “Абу Мансур Ҳорисий Маҳмуд Замахшарийдан тафсир илмини ўрганар, Замахшарий эса, ундан усул илмидан сабоқ олар эди”, деган маълумотни келтиради. Маҳмуд Замахшарий Хоразм илмий муҳитининг меваси сифатида етук қомусий олим бўлиб шаклланади.

Маҳмуд Замахшарий йирик тилшунос, адабиётшунос олимлар билан бир қаторда, айнан ислом илмлари олимлари, хусусан, муҳаддислар, фақиҳлардан илм ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Замахшарийнинг таржимаи ҳолини зикр қилган олимларнинг айримлари “Замахшарий Ибну-л-Баттор Бухорийдан ҳадис эшитган”, деган маълумотни келтиради. Маълумки, Абу-л-Хаттоб Носир ибн Аҳмад Абдуллоҳ ибну-л-Баттор Бухорий ҳадис илмининг етук намояндаси ва номи кенг ёйилган олим эди. Унга кўплаб уламолар шогирд тушган ва ундан ҳадис эшитишган. Абу Таммом Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Ҳошимий Хотиб, Низомия мадрасасининг олимларидан Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яҳё Шерозий Кабир, Ибну-л-Анбусий Шофеий, Ибну-с-Самин Бағдодий Аҳмад ибн Али Хаббоз, Вадисий Зарир ва Абу-т-Тоҳир Салафий каби йирик муҳаддислар Ибну-л-Баттордан ҳадис ривоят қилишган (Салоҳиддин ас-Софадий, 2000). Шу нуқтаи назардан, Маҳмуд Замахшарий Бухорога келиб, ундан ҳадис эшитган бўлиши мумкин.

Шунингдек, айрим манбаларда Маҳмуд Замахшарийнинг Абу Мансур Ҳорисий, Абу Саъд Шаққоний, Шайх Садид ҳаётидан ҳам билим олган ҳақидаги маълумотлар берилади. Жумладан, Тошкўпризода “Абу Мансур Замахшарийдан тафсир илмини олар ва унга ўқиб берар эди. Замахшарий эса, ундан усул илмини ўрганар эди”, “Замахшарий фикҳни бу уммат кўзининг қорачиғи бўлган Шайх Садид Ҳаётидан олган” (Тошкўпризода, 1329 х.), деб ёзади.

МУҲОКАМА

Хоразм қадимдан ривожланган маданият, илм-фан марказларидан бири саналган. Натижада бу диёрда ўтроқ шаҳар маданияти тараққий этиб, маҳаллий халқлар орасида ўз даврининг турли илмларида ижод қилган олимлар сулоласи шаклланди. Яқин қўшни минтақалар олимларининг ҳам бу илмий жараёнга ижобий таъсирини кўриш мумкин. Жумладан, Ироқ, Эрон, Туркия каби шарқ мамлакатлари олимларининг маҳаллий илмий-маърифий муҳитга бўлган қизиқишлари уларнинг бу ҳудудга қилган илмий сафарларига асосий сабаблардан бири бўлган. Ўзаро ижодий ҳамкорлик маҳаллий олимлар орасида ташқи мамлакатлардаги илмий мактаблар, уларнинг соҳалар бўйича эришган натижалари билан танишиш имкониятини берган. Шунингдек, маҳаллий олимларнинг хорижий мамлакатларга ижодий сафарларига замин яратган.

Маҳмуд Замахшарий яшаган даврдаги Хоразм илмий муҳитининг шаклланишида Абу Али Ҳасан Найсобурий, Абу Саъд Шаққоний, Абу-л-Хаттоб Баттор, Абу Таммом Ҳибатуллоҳ, Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ Шерозий, Ибн Самин Бағдодий (Жалолiddин Суютий, 2009) каби олимларнинг таъсири бўлган. Айнан мана шу таъсир натижасидаги ижобий муҳит Маҳмуд Замахшарий илмий салоҳиятининг шаклланишига туртки берган. Шунингдек, Замахшарийнинг ҳаёти давомида Шарқ мамлакатларига илм талабида қилган сафарлари олим илмий меросининг кенг ёйилиши ва танилишига хизмат қилди. Бу ўз навбатида, Замахшарий илмий меросига турли ўлкалардан бўлган олимлар қизиқишининг ортишига ва аллома асарларига бағишланган нодир илмий манбаларнинг яратилишига олиб келди.

Маҳмуд Замахшарий араб тили ва адабиёти, ислом илмлари, хусусан, тафсир, ҳадис, фикҳ, қироат йўналишларида эришиш мумкин бўлган энг юқори чўққига етди, унинг номи ислом оламига кенг ёйилди. Олим илмий салоҳияти, заковати, шухратининг эътирофи этилиши, кўплаб олимларнинг ундан илм олишга, ўрганишга интилишларига сабаб бўлди. Ислом дунёси мамлакатларидан олимлар, толиби илмлар Замахшарийдан сабоқ олиш учун Хоразмга кела бошладилар. Хоразмда Замахшарий илмий мактаби шакллана бошлади. Машҳур тарихчи Абдулкарим Самъоний: “Замахшарийнинг кўплаб етук издошлари ва шогирдлари етишиб чиқди.

Менга у зот ҳақида: “Табаристонда Абу-л-Маҳосин Исмоил ибн Абдуллоҳ Тувайлий, Обивардада Абу-л-Маҳосин Абдураҳим ибн Абдуллоҳ Баззоз, Замахшарда олим сингисининг ўғли Абу Амр Омир ибн Ҳасан Саммисор, Самарқандда Абу Саъид Аҳмад ибн Маҳмуд Шоший, Хоразмда Абу Тоҳир Сомон ибн Абдулмалик ва бошқа кўплаб инсонлар ривоят қилганлар” (Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний, 1961–66:315) деб ёзади.

Маҳмуд Замахшарийнинг машҳур шогирдларидан бири, “Фозилларнинг ҳужжати” ва “Машойихларнинг фаҳри” номлари билан танилган Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад Имроний Хоразмий (ваф. 560/1164) ҳисобланади. У Сарахснинг нуфузли оилаларидан бўлиб, султон Санжар ибн Маликшоҳ саройида ҳурматли мақомда бўлган. Ёқут Ҳамавий у ҳақда: “Адиблар султони, машойихлар сардори, адаб илми ва араб тили сирларини тўлиқ эгаллаган. Адаб илмидан Замахшарийнинг ҳузурини Хоразмда таълим олган. Илмининг чуқурлиги, кўп фазилатлари билан бирга, динда салоҳият ва матонат билан танилган ва зухдда намуна бўлган”, (Мустафо Совий Жувайний, 1968:46) деб ёзади.

Абу-л-Ҳасан ҳадис илмини Замахшарийдан ўрганган, “*Муҳожот*” асарини у билан юзма-юз ўтириб ўқиган.

Адабиётшунос, тилшунос, араб тили билимдони Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн Қосим Баққолий Хоразмий (ваф. 562/1166) ҳам Маҳмуд Замахшарийдан таълим олган. Одамийнинг наҳвга оид асарини ёд олгани боис унга ҳурмати юзасидан “Одамий” номига, шунингдек, “Зайнул-л-машойих” деган номга ҳам сазовор бўлган (Жалолiddин Суютий, 1396/1976:20–21). Ҳадис, луғат илмлари ва араб тилини Замахшарийдан ўрганган ва унга ўринбосар бўлган. У “*Мафотиҳу-л-лисон*”, “*Қовиму-л-лисон фин-наҳв*”, “*Ал-Аъжаб фи-л-иъроб*”, “*Ал-Бидоя фи-л-иъроб ва-л-бина*” каби асарлар муаллифидир (Жалолуддин Суютий, 2009:215).

Абу-л-Муайяд Муваффақ ибн Аҳмад ибн Абу Саъид (ваф. 568/1172) “Хоразм хатиби” номи билан шухрат қозонган. Абу-л-Муайяд Хоразм жомеъ масжидида узок йиллар ўзи хутба ёзиб, жамоага ўқиган. Хутбалар мавзуси асло такрорланмаган (Ал-Қифтий, 1950–1955:332). У адиб, фозил, фикҳ ва адабиётни мукаммал билган олим эди. Замахшарийнинг кўлида таълим олган ва араб тили борасида мустаҳкам илмга эга бўлган. Абу-л-Фатҳ Носир ибн Абу-л-Макорим Мутарризий унинг етук шогирдларидан биридир.

Адибу-л-мулук Абу Исмоил Яъқуб ибн Ширин Жанадий қози сифатида танилган. Ал-Муқрий “*Азҳару-л-риёз*” асарида Маҳмуд Замахшарийнинг Абу Исмоил Жанадий ҳақида: “У ўз асрининг энг ақлли, энг зеҳли ва заковатли йигитларидан”, деганини таъкидлайди. У Хоразм султони котиби бўлган, форс ва араб тилида асарлар ёзган (Ал-Муқрий, 1358–1361:286–287). Жанадий “*Муфассал*” асаридан Замахшарийнинг кўлида таълим олган. Шу сабабли “*Муфассал*” асарининг ҳошиясида Жанадий номидан: “Мен Жоруллоҳдан таълим олаётганимда, у менга “тих” деб товуш чиқарган тарвуз энг яхши тарвуздир, ким уни еса, кулади”, деган шеърни айтиб берган”, деб маълумот келтиради.

Али ибн Исо ибн Ҳамза ибн Ваҳҳос Абу-т-Таййиб. Насаби Сулаймон ибн Ҳасан ибн Али ибн Толибга бориб боғланади ва жуда ҳурматли, эътиборли Макка аҳлидан саналади. У Маҳмуд Замахшарийнинг кўлида Маккада таълим олган ва асарларининг ёзилишига туртки берган, ёрдам кўрсатган (Ал-Қифтий, 1950–1955:268). Маҳмуд Замахшарийнинг яқин шогирдларидан саналган. Улар ўртасида ҳам устоз-шогирдлик, ҳам яқин дўстлик ришталари бор эди. Бунинг натижаси ўлароқ, олим ўз асарларини, хусусан, “*Кашиф*” асарини Ибн Ваҳҳосга бағишлаган. Ибн Ваҳҳос ҳам ўз навбатида Замахшарийни улуғлайди ва унинг илмий меросига юқори баҳо беради (Тақийуддин ибн Абдулқодир Тамимий, 1403/1989:418).

НАТИЖА

Мовароуннаҳр диёри ва мусулмон дунёсининг сарф, наҳв, луғат, балоғат, фасоҳат, аруз, тафсир, ҳадис, фикҳ, география ва қатор илмлар бўйича пешқадам олимга айланган Маҳмуд Замахшарийнинг илмий довуғи дунёга кенг ёйилди. Юксак илмий салоҳият, билимлар камровининг кенглиги, ижодий фаолиятининг ранг-баранглиги, мазмун-моҳиятнинг ишончлилиги кўплаб олимларнинг Маҳмуд Замахшарий илмий мероси гултожи бўлган асарларига ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлишларини таъминлади. Шу сабабли Замахшарийнинг замондош ва шогирдлари ундан асарларини тушунтириш, ўқитиш, шарҳлаш учун руҳсат ҳужжати олишга ҳаракат қилганлар ва кўпчилик шунга муяссар ҳам бўлган.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдулжалл ибн Абдулмалик Балхий. “Рашидуддин

Вотвот” номи билан танилган. У замонасининг энг улуғ, даҳо олими ҳисобланиб, назм ва насрда ўз замонасининг алломаси эди. Хоразм султони Отсиз, Алп Арслон ва унинг ўғли Алоуддин Текеш даврларида подшоҳнинг котиби бўлган (Ёқут Ҳамавий, 1930–1933:19–29).

Ёқут Ҳамавий “*Муъжаму-л-удабо*” асарида “У араб тилининг энг дақиқ нуқталарини, наҳв ва адабиёт сирларини ҳаммадан яхши билган. Унинг номи уфқларда кенг тарқалган, иқлимларда унинг зикри ёйилган. Замахшарийга ижоза сўраб хат ёзган, у ижоза берган. Устозининг вафотидан сўнг ҳам устозига вафо ва ҳурматда бардавом қолган. Ҳатто устозининг асарларини кўчиришда котиблар йўл қўйган хатоларни тўғрилаб ҳам чиққан” (Ёқут Ҳамавий, 1930–1933:29–36), деган маълумотни келтиради.

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Абу Тоҳир Салафий (ваф. 576 /1180) қори, мужаввид, муҳаддис, моҳир наҳвшунос, муҳаққиқ луғатшунос (Жалолуддин Суютий, 1396/1976:468). Илм йўлида кўплаб мамлакатларга борган, машҳур олимлардан, жумладан, фикҳ бўйича Абу-л-Ҳасан Али Ҳарросий ва Абу Закариё Табризийлардан сабоқ олган. Бағдодда ҳадис илмини ўрганган, ундан юздан ортиқ шайхдан ҳадис ривоят қилган. Миср амири Зофир Убайдийнинг вазири Абу-л-Ҳасан Али ибн Саллор олим учун 546/1151 йили Искандарияда мадраса қуриб берган (Ибн Халликон, 1367/1947:105–107). Аҳмад ибн Муҳаммад Маҳмуд Замахшарий илмий мероси ҳақида эшитган ва улар билан яқиндан танишган. Замахшарий Маккада яшаган вақтида асарлари бўйича ижоза сўраб хат ёзган.

Қози Иёз ибн Мусо ибн Амр Хайсабий Собитий Абу-л-Фазл (ваф. 553/1158). Фикҳ, ҳадис, наҳв, луғат, араб тили ва тарихи, насаб илмларини эгаллаган машҳур мағриблик олим бўлган (Ибн Халликон, 1367/1947:483–485). Маълумотларга кўра, у Маҳмуд Замахшарийдан ижоза олган.

Умму-л-Муайяд Зайнаб бинти Абу-л-Қосим Абдурахмон ибн Ҳасан ибн Аҳмад (ваф. 616/1219) етук олима эди. У Абу Муҳаммад Исмоил ибн Абу-л-Қосим Найсобурий, Абу-л-Музаффар Қушайрий, Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарийдан ижоза олган.

Рукнуддин Маҳмуд Усулий Замахшарий билан устоз-шогирд мақомида бўлган. Рукнуддин Замахшарийдан тафсир илми, Замахшарий Рукнуддиндан усул илмини ўрганган (Тошкўпризода, 1329:435).

Абу Юсуф Яъқуб ибн Али ибн Муҳаммад Балхий Жандалий Маҳмуд Замахшарийнинг

шогирди бўлган, ундан наҳв ва адаб илмларини мукаммал эгаллаган олимлардан ҳисобланган (Жалолиддин Суютий, 2009:351).

Шунингдек, Зиёуддин Маккий ҳам Замахшарийдан таълим олган ва унинг шогирди ҳисобланади.

Абу Бакр Яҳё ибн Саъдун ибн Таммом Аздий Қуртубий (ваф. 567/1171) қироат илмлари бўйича пешқадам олим эди. Маҳмуд Замахшарийдан араб тилини ўрганган ва араб тилида жуда моҳир бўлган.

Абдулкарим ибн Абдурраҳим Басрий Маҳмуд Замахшарийнинг *“Ал-Муфассал”*, *“Ал-Қистос”*, *“Ал-Навобизу-л-калим”* ва *“Ал-Қашшоф”* каби асарларини ривоят қилган.

Маҳмуд Замахшарийни устоз сифатида этироф этган олимлардан бири Абу Тоҳир Баракот ибн Иброҳим Хушубий саналади. Айтишларича, у ҳам Замахшарийдан ижоза олган.

Маҳмуд Замахшарий оила қурмаган, фарзандлари бўлмаган, лекин унинг шогирдлари жуда кўп бўлган ва уларни олим фарзандларидек эъзозлаган, уларга ўз илмига қўшиб, меҳрини ҳам берган.

Замахшарий жуда ҳам кўп улуғ олимлар билан замондош бўлган, улар билан ҳамкорликда ижод қилган. Замондош алломалар турли мамлакатлардан бўлиб, Замахшарий билан илмий ҳамкорлик ўзаро манфаатли бўлган. Улар орасида андалуслик Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад Жиёний Гарнотий (ваф. 514/1120) (Жалолуддин Суютий, 2009:338), Сулаймон ибн Абдуллоҳ Молифий Абу-л-Ҳусайн ибн Торват (ваф. 514/1120) (Жалолиддин Суютий, 2009:602), Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Саййид Батлаюсий (ваф. 521/1127) каби олимлар бўлган (Жалолиддин Суютий, 2009:55).

Қози Абу Абдуллоҳ ибн Али Домғоний (ваф. 498/1104) фозил, ханафий мазхаби фақиҳи, Бағдодда қози ҳам бўлган. Замахшарий Бағдодга келганида фақиҳ Домғонийнинг зиёратига боради, бир неча маротаба суҳбатлашади.

Шариф Абу-с-Саодот Ҳибатуллоҳ ибн Али ибн Муҳаммад ибн Ҳамза Алавий, *“Ибну-ш-Шажарий”* номи билан машҳур (ваф. 542/1147) олим. У наҳв, луғат, шеър, араб тили, тарихи каби илмларни яхши билган, жуда фазилатли бой ва тавозели инсон бўлган. Абу-л-Баракот Абдурраҳмон ибн Анборий *“Маноқибу-л-удабо”* китобида: *“Замахшарий Бағдодга келганида шайхимиз Абу-с-Саодот Ибну-ш-Шажарийнинг зиёратига борди, биз ҳам у билан бирга бордик”* (Абу-л-Фида, 1350), деб хабар беради.

“Шамсу-л-Машрик” номи билан танилган Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Азиз Хоразмий (ваф. 512/1118). У ўз асрида луғат ва адабиёт илмида кўзга кўринган олимлардан саналган. Бир муддат Хоразмшоҳ хизматида бўлган, сўнг Марвга борган. Маҳмуд Замахшарий уни кўп маълумотларни ёддан билгани ва тили балоғатли экани учун яхши кўрарди ва *“Жоҳизу-с-соний”*, яъни *“Иккинчи Жоҳиз”* деб чақирарди.

Умар ибн Усмон ибн Шуайб Жаназий (ваф. 550/1155). Озарбайжоннинг Жаназа номли шаҳридан бўлиб, араб тили наҳвини мукаммал ўзлаштирган, шоир сифатида танилган. Адаб илмини Абу-л-Музаффар Обивардийдан ўрганган. Бағдод ва Басрага келиб таълим олган, олимларга шогирд тушган, замонининг алломаси бўлган (Ал-Қифтий, 1950–1955:330). Умар ал-Жаназий шундай дейди: *“Муфассал”*нинг соҳиби билан Аллоҳ таолонинг *“والنجم إذا هوى”* Ботиб кетаётган юлдуз билан қасамёд этаманки” ояти ҳақида баҳслашдим: *“Бу оятда зарфдаги омил нима?”*, дедим. У: *“و”* тааллуқ топган нарса”, деди. Мен: *“Қандай қилиб ҳол феъли мустақбалда амал қилади? Ваҳоланки, у ҳозир бўлса, маъноси: “Ҳозир қасам ичаман” дегани, келаси замонда эмас”*, дедим. Шунда у аввалги гапидан қайтиб: *“Ундаги омил ҳазф қилинган масдардир, тақдири эса: “وهوى النجم إذا هوى”*, деди. Мен бу гапни Зайну-л-Машойихга айтдим. У иккинчи гапни у қадар тўғри деб ҳисобламади. *“Бу ўринда энг тўғри гап шуки: Бу ҳолатда “إذا” келгуси замон маъносидан ажраган ва фақат вақт учун бўлиб қолган”*, деди.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Аҳмад (ваф. 567/1171).

Олим *“Ибну-л-Хашшоб”* номи билан машҳур бўлган. Наҳв илмида ўз замонасининг йирик олими ҳисобланган. Шунингдек, у ҳадис, тафсир, луғат, мантиқ, фалсафа, математика ва хандаса фанларини ҳам билган. Ҳадис илмида сиқа даражасига кўтарилган олим эди (Жалолиддин Суютий, 2009:29).

Абу-л-Фатҳ Муҳаммад ибн Саъд ибн Муҳаммад Дебожий Марвазий (ваф. 609/1212). Буюк тилшунос олим, наҳв илмини отасидан ўрганган. Марвазий Замахшарий билан ҳам учрашган. Замахшарийнинг шогирди Муҳаммад ибн Абу-л-Қосим Баққолий Хоразмийнинг кўлида таълим олган. У *“Шарҳу-л-Муфассал”*, *“Шарҳу-л-Унмузаж”*, *“Таҳзиб Муқаддамату-л-адаб”* номли асарлар ёзган (Ал-Қифтий, 1950–1955:139).

Абу-л-Фазл Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Майдоний Найсобурий (ваф. 518/1124).

Араб тилини, хусусан, луғат ва араб масалларини жуда ҳам яхши билган. Усул ва унинг ҳукмларини ҳам ўқиган. Натижада ўз асрида адабиётшуносларнинг имоми бўлиб етишган, “Алсол”, “Ҳодий”, “ас-Сомий фи-л-асомий” номли асарларни битган (Ёқут Ҳамавий, 1930–1933:45).

ХУЛОСА

Маҳмуд Замахшарийнинг йиллар давомида шаклланган юксак илмий салоҳияти тилшунослик, адабиётшунослик, луғатшунослик, ислом илмларига бағишланган саксондан ортиқ муҳим асарнинг яратилишига асос бўлди. Ушбу маънавий мерос минтақа ва хорижда кенг тарқалди ҳамда шуҳрат топди. Бунинг натижасида олим илмий мероси кенг ўрганила бошланди, унга бағишланган янги манбалар юзага кела бошлади. Замахшарий илмий меросидан илҳомланган олимлар ўз асарлари билан Хоразм илмий-маънавий муҳитининг ривожланишига хизмат қилдилар.

Замахшарийнинг китобини ўқиб унга шогирд бўлганлар ҳам жуда ҳам кўп бўлган. Унинг китобини ўқиганлар Замахшарийнинг илмини кадрлашар ва унга олимлик ва пешқадамлик борасида тегишли мартабани ҳам беришар эди. Олимлардан Низому-л-Мулкнинг куёви Амир Абу-л-Ҳайжо Муқаббил ибн Атийя (Ал-Қифтий, 1950–1955:217), султон Санжар давлатининг арбобларидан бўлган Малик Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Рослан, Умайдий, Хотиб Муваффақ Адиду-л-Мулук Яъқуб ибн Ширин Жанадий, “Ибну-л-Жаноз” номи билан машҳур бўлган Абу-л-Маолий Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Аҳмад, у Муфассал китобини ёддан билар эди. “Садру-л-афозил” номи билан танилган Абу Муҳаммад Қосим ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад (Жалолуддин Суютий, 2009:252–253) ва бошқалар Маҳмуд Замахшарий билан замондош унинг асарларидан баҳраманд бўлганлар.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. (1961–66). Китобу-л-ансоб. Ж. 6. Ҳайдаробод: Абдуррахмон ибн Яхё Яманий нашри.
2. Абу-л-Фидо. (1350). Шазароту-з-заҳаб фи ахбор ман заҳаб. Ж. 4. Қоҳира: нашриёти кўрсатилмаган.
3. Ал-Қифтий. (1950–1955). Инбоҳу-р-рувот ала анбоҳи-н-нуҳот. Муҳаммад Абу ал-Фадл Иброҳим таҳқиқи. Қоҳира: Дору-л-кутуби-л-мисрия.

4. Ал-Муқрий. (1358–1361). Азҳару-р-риёд фи ахбори-л-иёд. Ж. 3. нашриёти кўрсатилмаган.
5. Аҳмад Муҳаммад Хуфий. (1966). Замахшарий Дору-л-фикри-л-арабий. Ироқ. Нашриёти кўрсатилмаган.
6. Баҳижа Ҳасаний. (1973). Ал-Муҳожот би-л-масоили-н-наҳвия муқаддимасининг таҳқиқи. Бағдод. Нашриёти кўрсатилмаган.
7. Ёқут Ҳамавий. (1357/1938). Муъжам ал-удабо. Ж. 19. Миср: Дар ал-Маъмун.
8. Ёқут Ҳамавий. (1930–1933). Иршаду-л-ариб ила маърифати-л-адиб – Муъжаму-л-удабо. Миср: Маргилос нашриёти.
9. Жалолиддин Суютий. (2009). Буғяту-л-вуъот фи табақоти-л-луғавийин ва-н-нуҳот. Ж. 2. нашриёти кўрсатилмаган.
10. Жалолиддин Суютий. (2009). Буғяту-л-вуъот фи табақоти-л-луғавийин ва-н-нуҳот. Исо Бобий Ҳалабий таҳқиқи. Ж. 1. Нашриёти кўрсатилмаган.
11. Жалолуддин Суютий. (1396/1976). Табақоту-л-муфассирин. Али Муҳаммад Умар таҳқиқи. Кувейт. Нашриёти кўрсатилмаган.
12. Ибн Халликон. (1367/1947). Вафаёту-л-аъён. Миср. ас-Саъада. Нашриёт кўрсатилмаган.
13. Мустафо Совий Жувайний. (1968). Манҳажу-з-Замахшарий фи тафсири-л-Қуръон ва баъни иъжозихи. Миср: Дору-л-маориф би.
14. Салоҳиддин ас-Софадий. (2000). Ал-Вофий би-л-Вафаёт. Ж. 5. нашриёти кўрсатилмаган.
15. Тақийуддин ибн Абдулқодир Тамимий. (1403/1983–1410/1989). Табақоту-с-сания фи тароҷими-л-ҳанафия. Абдулфаттоҳ Муҳаммад Хулв таҳқиқи. Ж. 1–4. Риёз: нашриёти кўрсатилмаган.
16. Тошкўпризода. (1329 х.). Мифтаху-с-саада ва мисбаҳу-с-сияда. Ҳайдаробод: ад-Дикан.
17. Умар Ризо Каҳҳола. (1376–81/1957). Муъжам ал-муаллифин: тароҷим мусаннифи-л-кутуби-л-арабия I–XV. Ж.13. Дамашк. Нашриёти кўрсатилмаган.
18. Фозил Солиҳ Сомаррой. (1970). Диросоту-н-наҳвия ва-л-луғавия инда-з-Замахшарий. Ж. 19. Бағдод: Мағбаъату-л-иршод.

REFERENCES

1. Abdulkarim ibn Muhammad Samani. (1961–66). Kitab al-Ansab. Vol. 6. Hyderabad: Abdurrahman ibn Yahya Yamani publication.
2. Abu-l-Fida. (1350). Shazarat az-zahab fi akhbar man zahab. Vol. 4. Cairo: publisher not specified.
3. Ahmad Muhammad Khufi. (1966). Zamakhshari. Dar al-fikr al-arabi. Iraq. publisher not specified.
4. Al-Muqri. (1358–1361). Azhar ar-riyad fi akhbar al-Iyad. Vol. 3. publisher not specified.
5. Al-Qifti. (1950–1955). Inbah ar-ruwat ala anbah an-nuhath. Research by Muhammad Abu al-Fadl Ibrahim. Cairo: Dar al-kutub al-misriyya.
6. Bahija Hasani. (1973). A study of the introduction to Al-Muhajat bil-masail an-nahwiyya. Baghdad. Publisher not specified.

7. Fazil Salih Samarra'i. (1970). *Dirasat an-nahwiyya wal-lughawiya indaz-Zamakhshari*. Vol. 19. Baghdad: Matba'at al-Irshad.
8. Ibn Khalliksn. (1367/1947). *Wafayat al-a'yan*. Egypt. al-Sa'ada. publisher not specified.
9. Jalaluddin Suyuti. (1396/1976). *Tabaqat sl-mufassirin*. Research by Ali Muhammad Umar. Kuwait. publisher not specified.
10. Jalaluddin Suyuti. (2009). *Bughyat al-vu'at fi tabaqat al-lughawiyin wan-nuhat*. Vol. 2. publisher not specified.
11. Jalaluddin Suyuti. (2009). *Bughyat al-vu'at fi tabaqat al-lughawiyin wan-nuhat*. Investigation of Isa Babi Halabi. Vol. I. publisher not specified.
12. Mustafa Sawi Juvaini. (1968). *Manhaj az-Zamakhshari fi tafsir sl-Qur'an wa bayani i'jazih*. Egypt: Dar al-ma'rif.
13. Salahuddin al-Safadi. (2000). *Al-Wafi bil-wafayat*. Vol. 5. publisher not specified.
14. Taqiyuddin ibn Abdul Qadir Tamimi. (1403/1983–1410/1989). *Tabaqot as-saniyya fi tarajim al-hanafiyya*. Vol. 1–4. Riyadh: the publisher is not specified.
15. Tashkuprizada. (1329 h.). *Miftah as-saadah wa misbah as-siyadah*. Hyderabad: Ad-Dikan.
16. Umar Reza Kahhala. (1376–81/1957). *Mu'jam al-muallifin: tarajim musannif al-kutub al-arabiya I–XV*. Vol. 13. Damascus.
17. Yaqut al-Hamavi. (1357/1938). *Mu'jam al-udaba*. Vol. 19. Egypt: Dar al-Ma'mun.
18. Yaqut Hamavi. (1930–1933). *Irshad al-arib ila marifat al-adib – Mujam al-udaba*. Egypt: Margilius Publishing House.

